

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03.30.12.2021.Ss/Tar.21.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

МУСТАПОВА ХИЛОЛАХОН ИСЛОМОВНА

**ҲИНДИСТОН ТАШҚИ СИЁСАТИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ
ВЕКТОРИ**

**23.00.04 — Халқаро муносабатлар, жаҳон ва минтақа тараққиётининг сиёсий
муаммолари**

**СИЁСИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент — 2022

**Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата доктора философии (PhD)
по политическим наукам
Contents of the Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)
in Political Science**

Мустапова Хилолахон Исломовна

Ҳиндистон ташқи сиёсатида Марказий Осиё вектори 3

Мустапова Хилолахон Исломовна

Центральноазиатский вектор во внешней политике Индии..... 25

Mustapova Khilola Islomovna

Central Asian vector in India's foreign policy..... 46

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 50

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
03.30.12.2021.Ss/Tar.21.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

МУСТАПОВА ХИЛОЛА ИСЛОМОВНА

ХИНДИСТОН ТАШҚИ СИЁСАТИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВЕКТОРИ

**23.00.04 — Халқаро муносабатлар, жаҳон ва минтақа тараққиётининг сиёсий
муаммолари**

**СИЁСИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент — 2022

Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.PhD/Ss 40 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tsuos.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталига (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Саидолимов Саидхон Талъат ўғли
сиёсий фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Раҳимов Мирзоҳид Ақромович
тарих фанлари доктори, профессор

Умаров Хайрулла Пайзуллаевич
сиёсий фанлар номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Президенти
ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик университети ҳузуридаги PhD.03.30.12.2021.Ss/Tar.21.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент ш., Шаҳрисабз кўчаси, 16. Тел.: (99871) 233-34-24; факс: (998971) 233-52-24; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент ш., Шаҳрисабз кўчаси, 16. Тел.: (99871) 233-45-21.

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «___» _____ даги ___ -рақамли реестр баённомаси).

Д.Б.Сайфуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тарих фанлари доктори

О.И.Алимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби,
сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

Э.С.Султонова

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,
сиёсий фанлар доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда глобал ва минтақавий даражадаги сиёсий муносабатлар жадал ривожланиб бораётган XXI аср бошларида ҳар бир давлат ўз миллий манфаатлари асосида ушбу жараёнда фаол иштирок этишга ҳаракат қилмоқда. Шу жиҳатдан қараганда, жаҳоннинг йирик мамлакатлари сирасига кирувчи Ҳиндистон ҳам ўз ташқи сиёсатини ҳар томонлама кенгайтириш ва жадаллаштиришга интилоқда. Сўнгги ўн йилликларда мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий соҳаларда эришган улкан ютуқлари унинг нафақат Жанубий Осиё минтақасидаги, балки жаҳон сиёсий жараёнларидаги роли ва ўрнини мустаҳкамлашга кенг имкониятлар яратмоқда. Ҳиндистон ташқи сиёсатида Европа ва Осиёни боғловчи ҳудуд мақомига эга бўлган Марказий Осиё муҳим ўрин тутди. Зеро, Ҳиндистон янги геосиёсий вазиятда Марказий Осиё давлатлари билан икки ва кўп томонлама ҳамкорликни кучайтириб боришдан манфаатдордир.

Жаҳондаги ривожланган мамлакатларнинг бир қатор етакчи илмий тадқиқот муассасаларида ижтимоий-сиёсий фанлар доирасида Ҳиндистон ташқи сиёсий фаолиятининг концептуал асослари ва бугунги йўналишлари, мамлакатнинг Марказий Осиё давлатлари билан муносабатлари, мазкур минтақадаги геосиёсий ва геоиқтисодий манфаатлари, минтақа давлатларига доир ташқи сиёсий ташаббуслари ва ўзаро муносабатларининг ривожланиш тенденциялари, шунингдек ҳамкорликнинг янги йўналишларини илмий муаммо сифатида тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу изланишларда Ҳиндистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан ташқи сиёсий алоқалар ўрнатишда минтақавий хавфсизлик, Афғонистондаги ҳолатни барқарорлаштириш, Ҳиндистоннинг ушбу йўналишдаги ташқи сиёсати вектори ва концептуал асосларини, масалага минтақавий ёндашувларни чуқур ўрганиш ҳозирги замон илмий тадқиқотларининг долзарб мавзуси сифатида баҳоланмоқда.

Мамлакатимизнинг хорижий давлатлар, жумладан, Жанубий Осиё минтақаси давлатлари билан ўзаро манфаатли, конструктив ва очиқ ҳамкорлик олиб бориши бугун ташқи сиёсатимизнинг муҳим йўналишига айланди ҳамда бу борада эътиборга молик тажриба тўпланди. Бинобарин, Ҳиндистон ва Ўзбекистон ўртасидаги стратегик ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳар икки томоннинг ташқи сиёсатидаги устувор жиҳатлардандир. “Бугун Ҳиндистон дунёдаги йирик мамлакатлардан бири сифатида глобал муаммоларни ҳал қилишда фаол иштирок этмоқда. Шунинг хисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Ҳиндистон доимий аъзо сифатида БМТ Хавфсизлик Кенгаши таркибига кириши учун уни қўллаб-қувватлашга тайёр эканини билдиради”¹.

¹ Мирзиёев Ш.М. Нияти улугъ халқнинг иши ҳам улугъ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. — Т.: Ўзбекистон, 2019. — Б. 236.

Ушбу диссертация 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон, 2018 йил 5 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг устувор йўналишларини амалга оширишда унинг маъсулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5400-сон, 2018 йил 4 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси билан Ҳиндистон Республикаси ўртасидаги стратегик шерикликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3958-сон ва 2020 йил 16 апрелдаги “Шарқшунослик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4680-сон қарори ҳамда соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг бажарилишига муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги кунгача Ҳиндистоннинг Марказий Осиё йўналишидаги ташқи сиёсий стратегиясини ўрганиш бўйича муайян ишлар амалга оширилган. Жумладан, Ҳиндистоннинг йирик илмий ва таҳлилий марказлари, олий таълим муассасаларида Марказий Осиёдаги сиёсий жараёнларни таҳлил қилиш, етакчи давлатларнинг минтақа борасидаги стратегиясини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар олиб борилган. Хусусан, Жавахарлаъл Неру университети Халқаро тадқиқотлар мактабининг Россия ва Марказий Осиё тадқиқотлари маркази (Centre For Russian and Central Asian Studies. School of international studies, Jawaharlal Nehru University), Учинчи дунё тадқиқотлари академиясининг “Жамия милла исламия” маркази (Academy of Third World Studies, Jamia Millia Islamia); Кашмир университетининг Марказий Осиё тадқиқотлари маркази (Centre of Central Asian Studies, University of Kashmir), Мумбай университетининг Марказий Евросиё тадқиқотлари маркази (University of Mumbai Euroasian Studies), Жамму университетининг Стратегик ва минтақавий тадқиқотлар маркази (University of Jammu. Department of Strategic and Regional Studies), Гуру Нанак Дев университетининг Жанубий ва Марказий Осиё тадқиқотлари маркази (Guru Nanak Dev University — Center for South and Central Asian Studies); Гвалиор Живажи университетининг Марказий Осиё тадқиқотлари маркази (Jiwaji University Gwalior), Мудофаа тадқиқотлари ва аналитика институтининг Европа ва Евросиё маркази (Institute for Defense Analyses), шунингдек бошқа муассасаларда Марказий Осиёдаги сиёсий ва иқтисодий жараёнлар атрофлича ўрганилмоқда.

Мавзуга оид адабиётларни учта йирик гуруҳга ажратиш мумкин².

Биринчи гуруҳни Ҳиндистоннинг халқаро муносабатлардаги ўрни, Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорлигининг сиёсий, иқтисодий ва маданий жihatлари тадқиқ этилган маҳаллий муаллифларимиз асарлари ташкил қилади. Улардан М. А. Абдураззоқова, Д. Ахатов, Х. Бегизова, Д. Бойлиева, И. Васькин, М. Исмоилов, Н. Ибрагимова, И. Р. Мавлонов, С. М. Мирқосимов, Н. Мўминова, И. Неъматов, Д. Б. Сайфуллаев, Н. У. Тулаганова, А. Туйчибоева, Ш. Умиров, Т. Хўжаева, Д. Чориева, А. Шайхов, А. Н. Шаматов, Т. Ғ. Ғиёсов, Қ. Ғуломов, С. Ўрозбоева, А. Қосимов, Н. А. Қосимова, Г. Юлдашева каби муаллифларнинг асарларида ушбу мавзу атрофлича ўрганилган.

Хусусан, Н. Ибрагимованинг номзодлик диссертациясида мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасининг Ҳиндистон Республикаси ва Покистон Ислом Республикаси билан сиёсий муносабатлари, Жанубий Осиёнинг ушбу икки давлати билан ўрнатилган дипломатик алоқалари батафсил ёритилган. Н. У. Тўлаганованинг илмий мақолаларида Ўзбекистон Ҳиндистон муносабатларида хавфсизлик масалалари, хусусан, Афғонистондаги беқарорликнинг икки давлат муносабатларига таъсири кўриб чиқилган. И. Мавлоновнинг монографиясида Ҳиндистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан иқтисодий алоқалари ва иқтисодий дипломатиясига эътибор қаратилган. И. Неъматовнинг номзодлик диссертациясида Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг бугунги ҳолати, ўзаро муносабатларнинг истиқболига оид илмий қарашлар келтирилган, иқтисодиётнинг деярли барча тармоқлари бўйича йўлга қўйилган ўзаро алоқалар чуқур таҳлил қилинган.

Иккинчи гуруҳга Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар тадқиқотчиларининг илмий ишларини киритиш мумкин. Хусусан, Россия фанлар академияси Шарқшунослик институти илмий ходимлари В. Белокреницкий, Л. Г. Ерекешева, И. Комиссина, В. Л. Кореев, М. М. Кутина, С. Лузянин, В. Н. Москаленко, Р. Музалевский, Р. М. Муқимджанова, В. Мясников, О. Сидоров, М. Титаренко ва бошқа олимларнинг илмий асарларида Ҳиндистон билан Марказий Осиё давлатлари ўзаро муносабатларининг ривожланиш тенденциялари очиб берилган. Жумладан, икки давлат ўзаро муносабатларининг ҳозирги ҳолати, минтақадаги ташқи кучларнинг манфаатлари ҳамда Ҳиндистоннинг геосиёсий ва геоиқтисодий мақсадлари А. С. Бугров, Р. Корбозин, Ю. В. Кулинцев, С. И. Лунев, Ю. В. Морозов, В. Н. Тимошенко каби олимларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган³.

Учинчи гуруҳ хорижлик мутахассислар, жумладан Ҳиндистон расмийлари, олим ва экспертларининг мулоҳазалари акс этган адабиётлар, инглиз ва ҳинд тилларидаги манбалар, оммавий ахборот воситаларида

² Ушбу адабиётлар ва улар муаллифларининг илмий ишлари диссертациянинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати» қисмида келтирилган.

³ Ушбу муаллифларнинг илмий ишлари диссертациянинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати» қисмида келтирилган.

келтирилган маълумотларни ўз ичига олади. Жумладан, М. Аднан, К. Вагнер, А. Вани, Б. Дав, Ф. А. Дар, Н. Жоши, Р. К. Котҳари, А. Ш. Кҳаважа, А. Кҳаири, Н. Маржани, Н. К. Пасван, Р. Прадҳан, С. М. Садат, Ф. Стобдан, С. Трипатхи, Б. Фатима, Т. Фирдоус, К. Фošко, С. Чаттержее сингари тадқиқотчилар ўз илмий изланишларида Ҳиндистоннинг халқаро майдондаги стратегик мавқеини мустаҳкамлаш, минтақада барқарорликни таъминлаш ҳамда Афғонистонни тиклаш жараёнида Марказий Осиё республикалари билан ҳамкорлик қилиш масалаларини таҳлил қилган. Шунингдек, Ҳиндистоннинг «Ҳиндустан таймс», «Ҳинди» ва бошқа газета-журналларини ҳам ушбу гуруҳга киритиш мумкин.

Ғарб олимларидан С. Бланк, Р. Макензи, Р. Оукли, Ж. Перкович, Б. Рубин, С. Томас кабиларнинг тадқиқотларини ҳам алоҳида қайд этиш керак. Тадқиқот жараёнида Ҳиндистоннинг минтақадаги рақиби бўлган Покистон позициясини ҳам ўрганиш ва Ҳиндистон манфаатлари нуқтаи назаридан қиёсий таҳлил қилиш зарурати юзага келди. Бунда покистонлик Ҳ. Ахтар, Х. Дуран, Х. Симбал каби олимларнинг илмий асарлари ўрганиб чиқилди ва илмий муомалага киритилди.

Шу ўринда айтиш жоизки, мазкур мавзунинг ёритган ҳар бир тадқиқотчи муаммони, аввало, ўз мамлакатининг миллий манфаатлари нуқтаи назаридан ўрганган.

Хорижда бу соҳада кўплаб тадқиқотлар ўтказилган ва маълумотлар тўпланган бўлса-да, Ўзбекистонда ушбу мавзу алоҳида тадқиқ этилмаган. Бундан ташқари, юртимизда Ҳиндистон тарихи, ижтимоий-сиёсий жараёнлари, Марказий Осиё ва Ҳиндистон ўртасидаги маданий алоқалар мавзусида бир қатор илмий ишлар мавжудлигига қарамай, ушбу мамлакат ташқи сиёсатида Марказий Осиё давлатларининг ўрни ва аҳамияти илмий-назарий жиҳатдан махсус таҳлил этилмаган. Бу эса тадқиқот ўтказиш учун ушбу мавзунинг танланишига сабаб бўлган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик университети илмий тадқиқот ишлари режасининг 10-рақамли «Шарқ мамлакатларида кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг халқаро муносабатларга таъсири», А-1-188 рақамли «Хорижий Шарқ ва Ғарб давлатлари ижтимоий-сиёсий ривожининг назарий ва амалий жиҳатлари бўйича замонавий ўқув адабиётларини яратиш» ҳамда А-1-191 рақамли «Хорижий тилларда тарихий асарларнинг илмий тадқиқи ва танқидий таҳлили асосида Шарқ мамлакатлари тарихига оид замонавий ўқув адабиётларини яратиш» мавзуларидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ҳиндистон ташқи сиёсатида Марказий Осиё векторининг шаклланиши ва ривожланиш тенденцияларини, Ҳиндистоннинг минтақа давлатлари билан сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларини ёритиш ҳамда ушбу муносабатлар ривожланишига тўсқинлик қилаётган омилларни аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардир:

Ҳиндистон ташқи сиёсий фаолиятининг концептуал асослари ва замонавий йўналишларини тадқиқ этиш;

Ҳиндистоннинг минтақавий ва макроминтақавий даражадаги ташқи сиёсатига хос хусусиятларни очиб бериш;

ҳинд олимларининг Ҳиндистон ва Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги муносабатларга доир тадқиқотлари натижаларини таҳлил қилиш;

Ҳиндистоннинг Марказий Осиёдаги геосиёсий ва геоиқтисодий манфаатларини аниқлаш;

Ҳиндистоннинг Марказий Осиё давлатларига нисбатан ташқи сиёсий ташаббусларидаги амалий жиҳатларни таҳлил қилиш;

Ҳиндистон ва Марказий Осиё давлатлари ўзаро муносабатларининг ривожланиш тенденциялари ва ҳамкорлигининг ҳозирги йўналишларини тадқиқ этиш;

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги алоқаларни таҳлил қилиш;

Ҳиндистон ва Марказий Осиё республикаларининг икки томонлама муносабатларида «Афғонистон омили»нинг ўрни ва аҳамиятини ёритиш;

Ҳиндистон ва Ўзбекистон ҳамкорлигини янада ривожлантиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ҳиндистон ташқи сиёсати белгиланган.

Тадқиқотнинг предметини ҳозирги даврда Ҳиндистон ташқи сиёсатида Марказий Осиё векторининг ривожланиш тенденциялари, ушбу сиёсатга таъсир этувчи омиллар, минтақа давлатлари билан алоқаларининг ҳозирги даражаси ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда тарихийлик, қиёсий таҳлил, даврлаштириш, тизимлаштириш, таққослаш, кузатиш, структурали-функционал ва бошқа илмий усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ҳиндистоннинг минтақа даражасидаги давлатдан нуфузли жаҳон давлатига айланишининг сиёсий — Жанубий Осиё, Жануби-Шарқий Осиё, Ҳинд океани минтақаси каби устувор йўналишларга доир ташқи сиёсий дастурлари, иқтисодий — протекционизмдан воз кечиш, инвестицион муҳит яратиш сингари асослари ҳамда минтақавий сиёсатнинг йирик кўринишларидан бири бўлган «Шарққа назар» (Look East) концепциясидан «Шарқ сари қадам» (Act East) концепциясига трансформацияси асосланган;

Марказий Осиёга нисбатан Ҳиндистон ташқи сиёсати минтақадаги геосиёсий жараёнлар, етакчи давлатларнинг минтақадаги геостратегик манфаатларининг янги конфигурацияси вужудга келиши шароитида фаоллашувининг геосиёсий — Осиёдаги янги куч маркази сифатида минтақа давлатларига нисбатан таъсирни ошириш, хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ кўп томонлама ҳамкорликда етакчилик қилиш; геоиқтисодий — минтақада хомашё ва ресурслар борасида ўз манфаатларини илгари суриш каби хусусиятлари очиб берилган;

Ҳиндистон маданий алоқалар кенгаши (The Indian Council for Cultural Relations) ва Ҳинд маданият маркази (Indian Cultural Centre) томонидан Марказий Осиё давлатларида, жумладан Ўзбекистонда Ҳиндистон миллий маданиятини кенг тарғиб этиш имкониятлари яратилаётгани очиб берилган;

Ҳиндистон ва Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги алоқаларни мустаҳкамлаш ҳамда минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасида Марказий Осиёга боғланиш сиёсати», «Ҳиндистон—Марказий Осиё мулоқоти» ҳамда «Ҳиндистон—Марказий Осиё саммити» каби мулоқот гуруҳлари ташаббускор ва ҳамкорлар учун очиклик каби хусусиятларга эгаллиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагиларда кўринади:

Ҳиндистон Марказий Осиёда амалга ошираётган ташқи сиёсий лойиҳаларнинг жорий этилиш ҳолати таҳлил қилинган. Шунингдек, минтақавий мулоқотларнинг муносабатлар ривожига таъсири илмий жиҳатдан ўрганилиб, томонлар ўртасидаги сиёсий ва иқтисодий ҳамкорлик истиқболлари, барқарор ривожланишда таҳдидларга қарши кураш, транспорт, логистика ва инвестиция соҳасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

тадқиқот натижасида шакллантирилган амалий таклиф ва хулосалардан бошқарув органлари, халқаро муносабатлар ва ташқи сиёсат билан боғлиқ муассасалар фаолиятида ҳамда таълим муассасаларининг ўқув жараёнида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда тадқиқот мавзусига доир 200 га яқин адабиёт ва манбаларидан фойдаланилгани, уларнинг илмий муомалага киритилгани, бу жараёнда қўлланилган ёндашув ва усуллар, расмий ҳужжатлар, республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференциялар материаллари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ва хорижий илмий нашрларда чоп этилган мақолалар, шунингдек улар ҳақидаги тақриз, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг тегишли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан таъминланган. Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, тадқиқот натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Мазкур ишнинг назарий аҳамияти шундаки, таклиф этилган илмий-назарий хулосалардан илмий тадқиқотларнинг методологияси ва усулларини такомиллаштиришда, халқаро муносабатлар, геосиёсат, Ҳиндистон ташқи сиёсати каби фанларнинг умумназарий жиҳатларини кенгайтиришда ҳамда ушбу мавзу юзасидан янги илмий тадқиқотлар ўтказишда фойдаланиш мумкин. Натижаларнинг амалий аҳамияти эса тадқиқот материаллари ва хулосаларидан ихтисослашган таълим муассасаларининг ўқув курслари ва дастурларида, «Жаҳон сиёсати», «Халқаро муносабатлар», «Шарқ мамлакатлари халқаро муносабатлари», «Минтақашунослик», «Ўрганилаётган минтақа мамлакатлари ички ва ташқи сиёсати» фанларини ўқитишда

ҳамда тегишли йўналишлардаги тадқиқот ишларини бажаришда фойдаланиш мумкинлигида кўринади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ҳиндистон ташқи сиёсатида Марказий Осиё векторининг шаклланиш ва ривожланиш жараёнларини тадқиқ этиш натижасида ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлардан:

Ҳиндистон маданий алоқалар Кенгаши (The Indian Council for Cultural Relations) ва Ҳинд маданият маркази (Indian Cultural Centre) томонидан Марказий Осиё давлатларида, жумладан Ўзбекистонда Ҳиндистон миллий маданиятини кенг тарғиб этиш имкониятлари яратилаётганлиги борасидаги хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси томонидан икки ёқлама ҳамкорлик тўғрисидаги таҳлилий материаллар тайёрлашда фойдаланилган (Қўмитанинг 2021 йил 7 июлдаги 14-07-1387-сон маълумотномаси). Натижада қўмита фаолиятида миллатлараро муносабатлар соҳасидаги йўналишларни амалга оширишни янада кучайтириш, дўстлик жамиятлари фаолиятлари самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

Марказий Осиёга нисбатан Ҳиндистон ташқи сиёсати минтақадаги геосиёсий жараёнлар, етакчи давлатларнинг минтақадаги геостратегик манфаатларининг янги конфигурацияси вужудга келиши шароитида фаоллашувининг геосиёсий — Осиёдаги янги куч маркази сифатида минтақа давлатларига нисбатан таъсирни ошириш, хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ кўп томонлама ҳамкорликда етакчилик қилиш; геоиктисодий — минтақада хом-ашё ва ресурслар борасида ўз манфаатларини илгари суриш каби хусусиятлари борасидаги илмий натижалардан 2015–2017 йилларда бажарилган А-1-191-рақамли “Хорижий тиллардаги тарихий асарларнинг илмий тадқиқи ва танқидий таҳлили асосида Шарқ мамлакатлари тарихига оид замонавий ўқув адабиётларини яратиш” мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 9 июндаги 89-03-1971-сон маълумотномаси). Мазкур ёндошувлар лойиҳа доирасида яратилган дарсликнинг Жанубий Осиёда ижтимоий-сиёсий жараёнлар трансформацияси хусусиятлари борасидаги илмий-назарий асосини бойитган;

Ҳиндистоннинг минтақа даражасидаги давлатдан нуфузли жаҳон давлатига айланишининг сиёсий — Жанубий Осиё, Жануби-Шарқий Осиё, Ҳинд океани минтақаси каби устувор йўналишларга доир ташқи сиёсий дастурлари, иктисодий — протекционизмдан воз кечиш, инвестицион муҳит яратиш сингари асослари ҳамда минтақавий сиёсатнинг йирик кўринишларидан бири бўлган «Шарққа назар» (Look East) концепциясидан «Шарқ сари кадам» (Act East) концепциясига трансформациясига доир хулосалардан томонидан “Хорижий Шарқ ва Ғарб мамлакатларидаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар” дарслигини тайёрлашда фойдаланилган (2019 йил 27 декабрдаги 1186-сонли рухсатномаси (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус

таълим вазирлигининг 2020 йил 30 декабрдаги 89-03-5614-сон маълумотномаси). Ушбу дарсликнинг “Жанубий Осиё ва Осиё-Тинч океани минтақаларида ижтимоий-сиёсий жараёнлар” бобидаги “Жанубий Осиёда ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг хусусиятлари” мавзусининг Ҳиндистон ташқи сиёсатига оид қисмини шакллантиришда, Ҳиндистоннинг ташқи сиёсий ташаббусларига доир илмий хулосаларига мурожаат қилинган. Натижада мазкур дарслик орқали соҳага оид янги маълумотларнинг кенгайишига, талабаларда мавзу бўйича янги билим ва кўникмаларнинг шаклланишига хизмат қилган;

диссертацияда келтирилган Ҳиндистон ва Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, инвестициявий ва гуманитар соҳалардаги алоқаларни мустаҳкамлаш ҳамда минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасида “Марказий Осиёга боғланиш сиёсати”, “Ҳиндистон—Марказий Осиё мулоқоти” ҳамда “Ҳиндистон—Марказий Осиё саммити” каби мулоқот гуруҳлари ташаббускор ва ҳамкорлар учун очиқлик каби хусусиятларига оид хулосалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “Ўзбекистон тарихи” телеканали ижодкорлари «Ўзбекистоннинг хорижий давлатлар билан ҳамкорлиги масалалари» мавзусидаги кўрсатувларнинг сценарийларини тайёрлашда фойдаланишган. Хусусан, “Такдимот” кўрсатувини тайёрлаш жараёнида фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон телерадиоканали» давлат унитар корхонасининг 2019 йил 19 ноябрдаги 02-40-2398-сон маълумотномаси). Мазкур хулосалар асосида ишлаб чиқилган тавсиялар бугунги глобаллашув шароитида Марказий Осиё давлатлари ва Ҳиндистон ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, маданий, фан-таълим соҳасидаги ҳамкорликнинг ривожлантириш ва мустаҳкамлаш аҳамиятини аҳолининг кенг қатламига тушунтиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 20 та илмий анжуманда, жумладан, иккита халқаро даражадаги ва 18 та республика миқёсидаги конференцияда муҳокама қилиниб, маъқулланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда олтита мақола (улардан 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда) нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, ўн та параграфни ўз ичига олган учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, ҳажми 158 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети белгиланган, тадқиқот усуллари, диссертациянинг

илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти асосланиб, тадқиқот натижаларининг апробацияси, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ҳиндистон ва Марказий Осиё муносабатларини тадқиқ этишнинг назарий-методологик асослари**» деб номланган биринчи бобида Ҳиндистон ташқи сиёсатининг концептуал асослари ва замонавий йўналишлари, ушбу мамлакат олимларининг Ҳиндистон ва Марказий Осиё муносабатларига доир илмий тадқиқотлари таҳлил қилинган.

Тадқиқот жараёнида кўплаб маҳаллий ва хорижий олимларнинг Ҳиндистон ва Марказий Осиё давлатларининг муносабатларига, ҳинд тадқиқотчиларининг Ҳиндистоннинг Марказий Осиёдаги манфаатларига оид илмий ишлари таҳлил қилинган. Хорижий, хусусан ҳиндистонлик тадқиқотчи ва олимларининг илмий асарлари, Ҳиндистон ҳукуматининг ташқи сиёсий баёнотлари чуқур ўрганиб чиқилган.

Мазкур бобда Ҳиндистон ташқи сиёсати шаклланишининг назарий асослари таҳлил қилинган, ушбу ташқи сиёсат давлатнинг миллий манфаатларига асосланган бўлиб, ҳеч бир давлатга қарши қаратилмаганлиги, Ҳиндистоннинг геосиёсий салоҳиятини бир қанча *мезонлар* асосида баҳолаш мумкинлиги кўрсатилган:

Биринчидан, Ҳиндистон Жанубий Осиёдаги қудратли давлат бўлиб, ушбу минтақада тинчлик ва барқарорлик таъминланишида унинг ўрни катта. Бироқ, Жанубий Осиё минтақасида ядро қуролига эга икки давлат жойлашганлиги ушбу ҳудуддаги сиёсий жараёнларнинг умумий вазиятига салбий омил сифатида таъсир ўтказиши мумкин.

Иккинчидан, Ҳиндистон қудратли ҳарбий салоҳиятга эга бўлиб, бу жиҳатдан дунёдаги энг кучли бешта давлатдан бири ҳисобланади. 15 йилдан буён 138 та мамлакат армияларини синчковлик билан кузатиб келаётган “Глобал ҳарбий қудрат” (“Global Firepower”) сайтининг рейтингда 2022 йилда Ҳиндистон 4-ўринни эгаллаган⁴.

Учинчидан, Ҳиндистоннинг ташқи сиёсатда халқаро ташкилотлар, жумладан БМТ билан алоқаларни кучайтираётгани, Хавфсизлик Кенгаши-нинг доимий аъзоси бўлишга интилаётгани ҳам бугун жуда муҳимдир.

Тўртинчидан, Ҳиндистоннинг иқтисодий ва илмий-техникавий салоҳияти жадал ривожланиши унинг жаҳондаги энг қудратли 20 та давлат (G20) таркибига киришига замин яратди. Ислохотлар натижасида эришилган юксак иқтисодий ўсиш халқаро инвесторларнинг катта оқимини мамлакат иқтисодиётига жалб қилди ва Ҳиндистоннинг сиёсий етакчилари ушбу имкониятдан унумли фойдалана олдилар. Вужудга келган иқтисодий жозибадорлик Ҳиндистонга жаҳоннинг турли давлатлари билан ҳамкорликни ўз шартлари асосида олиб бориш имконини берди.

Ҳиндистон ташқи сиёсатидан кўзланган стратегик мақсад глобал миқёсдаги давлатга айланиш бўлиб, мамлакат мустақиллигининг дастлабки

⁴ 2022 Military Strength Ranking <https://www.globalfirepower.com/countries-listing.php>

йилларидаёқ белгилаб олинган эди. Бугунга келиб ҳукумат кўп кутблилиқ принципи⁵ асосида дунёнинг деярли барча давлатлари билан дўстона алоқалар ўрнатган ҳолда фаол, кўп векторли ташқи сиёсат юритмоқда.

Ҳиндистоннинг “Катта стратегия” контекстида тақдим этиладиган ташқи сиёсатида бутун дунё учта ҳалқага ажратилади:

биринчи ҳалқа асосан Ҳиндистоннинг яқин қўшниларини қамраб олган бўлиб, унда Деҳли учинчи томоннинг аралашувига жавобан устуворлик ва вето ҳуқуқига интилоқда;

Осиёда кенгайтирилган қўшничилик Ҳинд океани қирғоқлари бўйлаб жойлашган, шунингдек Марказий Осиё мамлакатларини ўз ичига олган *иккинчи ҳалқа* доирасида у бошқа кучларнинг таъсирини мувозанатлашга ва улар Ҳиндистон манфаатларига зиён етказмаслигига ҳаракат қилмоқда;

учинчи ҳалқа бутун дунё миқёсидаги сиёсий жараёнларни қамраб олади. Ҳиндистон халқаро тинчлик ва хавфсизликнинг муҳим актори бўлган буюк давлатлардан бирига айланишга интилоқда⁶.

Диссертацияда ҳозирги даврда Ҳиндистон ташқи сиёсатининг йўналишларини давлат раҳбариятининг расмий баёнотлари, чиқишлари, дастурлари, қўшма декларациялари орқали ўрганиш мумкинлиги кўрсатилган.

Мамлакатнинг кенг қўламли дипломатик фаолияти Ҳиндистон турли давлатлар билан муносабатларни “Дунё — бир оила” (“Vasudhaiva Kutumbakam”) ғояси асосида олиб бораётгани билан боғлиқ⁷.

Глобал сиёсий жараёнларга кириб боришда Деҳли яқин қўшнилари билан муносабатларни яхшилашга, минтақадаги асосий рақиблари бўлган Хитой ва Покистон билан муносабатларни мўътадиллаштиришга ҳамда Африка, Марказий ва Жануби-шарқий Осиё, Форс кўрфази ва Ҳинд океани минтақаларидаги мавқеини мустаҳкамлашга интилаётгани кузатилмоқда. Шу билан бирга, Ҳиндистон етакчи давлатлар, айниқса Россия Федерацияси ва АҚШ билан муносабатларни янада ривожлантирмоқда. Шунингдек, халқаро ташкилотлар, хусусан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг тинчлик-парвар операцияларида, Жаҳон савдо ташкилотида, минтақавий уюшмалар, Жанубий Осиё минтақавий ҳамкорлик уюшмаси (South Asian Association for Regional Cooperation — SAARC), Бенгалия бўғози мамлакатларининг ташаббуси BIMSTEC (The Bengal Initiative for Multi Sectoral Technical and Economic Cooperation)даги иштироки самарали бўлиб бормоқда.

Шунингдек, диссертацияда Ҳиндистон ташқи сиёсати турли минтақа ва китъаларга йўналтирилган «Шарққа назар» («Look East»), «Шимолга назар» («Look North»), «Шарқ сари қадам» («Act East»), «Яхши қўшничилик сиёсати» («Neighbourhood first policy») каби сиёсий стратегик дастурлар асосида олиб борилаётгани кўрсатилиб, уларнинг моҳияти очиқ берилган.

⁵ Indian foreign policy: Agenda for the 21st century. Foreign Service. — New-Delhi, 1997. — P. 137.

⁶ Белокреницкий В.Я. Южная Азия: новые возможности и риски для России // Внешняя политика России 2000–2020: Научное издание в 3 томах / Отв. ред. И. С. Иванов. РСМД. Т. 1. — М.: Аспект Пресс, 2012. — С. 169.

⁷ India's Foreign Policy: 2014-19: Landmarks, achievements and challenges ahead. By: Amb (Retd) Achal Malhotra. Central University of Rajasthan. July 22, 2019.

Ҳиндистоннинг Жанубий Осиёдаги қўшни давлатлар билан яқин сиёсий, иқтисодий ва бошқа турдаги алоқалар ўрнатиш, Жанубий Осиё минтақавий ҳамкорлик уюшмасини (South Asian Association for Regional Cooperation — SAARC) мустаҳкамлаш, сув ресурслари, энергетика ва экология муаммоларини ҳал этишга қаратилган минтақавий лойиҳалари таҳлил қилинди.

Ҳиндистон бош вазири Н. Модининг ташаббуси бўлган «Make in India» дастури доирасида Ҳиндистон учун муҳим бўлган янги иш ўринлари яратиш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳамда ишлаб чиқариш тармоқларини кенгайтиришда ташқи сиёсат имкониятларидан фойдаланиш масалалари таҳлил қилинди. Шунингдек, бугунги ташқи сиёсатга доир нутқ ва баёнотларда «қўшилмаслик», «стратегик автономлик», «қўшилмаслик-2» тушунчаларининг қўлланилиши масалалари ўрганилди.

«Ҳиндистоннинг Марказий Осиё минтақасига қаратилган ташқи сиёсатидаги стратегик манфаатлари» деб номланган иккинчи боб Ҳиндистоннинг Марказий Осиёдаги геосиёсий ва геоиқтисодий манфаатлари, Марказий Осиёга нисбатан ташқи сиёсий ташаббуслари ҳамда Марказий Осиё давлатлари билан икки томонлама муносабатларида «Афғонистон омили» масалаларини тадқиқ этишга бағишланган бўлиб, унда ҳозирги босқичда Ҳиндистоннинг Марказий Осиё давлатларига нисбатан юритаётган ташқи сиёсати динамикаси ва ўзгаришлари давлатлараро ва минтақалараро муносабатларнинг ички ва ташқи омилларини ҳисобга олган ҳолда таҳлил этилган.

XX асрнинг 90-йиллари бошларида нафақат Евросиё маконида, балки дунё миқёсида рўй берган геосиёсий ўзгаришлар Ҳиндистоннинг Марказий Осиё минтақасидан янги шериклар излашига ва ҳамкорлик ришталарини тиклашига туртки берди. Жанубий Осиё минтақасидаги сиёсий жараёнларнинг асосий иштирокчиларидан бири бўлган Покистоннинг айнан шу минтақа давлатлари орасидан ўзига ҳамкор топишга интилиши ҳам яна бир муҳим омил ҳисобланади.

Собиқ бош вазир Монмоҳан Сингх Ҳиндистоннинг минтақадаги кенг геоиқтисодий манфаатлари борасида қуйидаги фикрларни айтиб ўтган: «Биз Жанубий Осиё минтақавий ҳамкорлигини кенгроқ, яъни Осиё контекстида баҳолаймиз. Жанубий Осиёнинг барча давлатлари бир-бирларига транзит имкониятларини таъминлабгина қолмай, қўшни давлатлар, яъни Форс кўрфази, Марказий ва Жануби-шарқий Осиё давлатлари билан ҳам шундай имкониятларни яратишлари лозим. Агар бизнинг минтақа жадал ривожланаётган Осиёнинг бир қисми бўлишни истаса, тез ҳаракат қилмоғимиз лозим»⁸.

Ҳиндистоннинг расмий ҳужжатларида Марказий Осиё мамлакатлари ва Афғонистон унинг “кенгайтирилган қўшничилик” (“extended neighborhood”⁹)

⁸ Мавлонов И. Экономическая дипломатия Индии в условиях трансформации мирового порядка. — Т.: УМЭД, 2010. — С.116–117.

⁹ India’s “Extended Neighborhood” Concept: Power Projection for a Rising Power. — URL: [https:// www.tandfonline.com /doi/pdf/10.1080/14736480902901038](https://www.tandfonline.com/doi/pdf/10.1080/14736480902901038)

сиёсатининг устувор йўналишлари сирасига кириши қайд этилган¹⁰. Афғонистон Ҳиндистон ва унинг ҳамкорлари бўлган Марказий Осиё давлатлари учун минтақаларни боғловчи “кўприк”дир. Буларнинг барчаси ушбу давлатлар билан ҳамкорлик қилиш Деҳли учун стратегик аҳамиятга эгалигидан далолат беради.

Минтақада ўз геоиқтисодий манфаатларига эга бошқа акторлардан фарқли равишда, Ҳиндистоннинг манфаатлари минтақа учун жозибалидир. Зероки, Марказий ва Жанубий Осиё минтақаларини транспорт йўлаклари орқали ўзаро боғлашда, шунингдек геоиқтисодий манфаатлари баъзи ҳолларда геосиёсий амбицияларга асосланган Россия ва Хитойга турли таъсирларини камайтиришда минтақа учун Ҳиндистон давлати нафақат йирик муқобил ҳамкор, балки ташқи кучлар таъсирини мувозанатлаш воситаси бўлиб ҳам хизмат қилади. Бу борада Ҳиндистон геоиқтисодий жабҳада турли лойиҳа ва ташаббусларни ўртага ташламоқда. Масалан, минтақани Ҳиндистон билан боғлашда барпо этилиши режалаштирилаётган Шимол — Жануб халқаро транспорт йўлаги (International North-South Transport Corridor — INSTC) муҳим ўрин тутди. Унинг қурилиши Ҳиндистоннинг минтақага кириб боришида Покистон ва Афғонистон сингари географик тўсиқларни четлаб ўтиш имконини беради. Шу боисдан, ушбу режани рўёбга чиқаришда Ҳиндистон асосий ташаббускор бўлмоқда.

Шимол — Жануб халқаро транспорт йўлаги (INSTC) 7200 километрлик кўп тармоқли транспорт йўлаги бўлиб, энг қисқа автомобиль, денгиз ва темир йўл йўналишларини таклиф этади. Ушбу йўлак Ҳинд океани ва Форс кўрфазини Эрон орқали Каспий денгизига боғлайди ҳамда Санкт-Петербурггача бориб, Россия Федерацияси портлари орқали Шимолий Европага етади. 2015 йилда Марказий Осиёнинг бешта республикасига ташриф буюрган Ҳиндистон бош вазири Н.Моди Ҳиндистоннинг Марказий Осиёдаги геоиқтисодий манфаатларида INSTCнинг ўрнига алоҳида урғу бериб: «...Биз минтақадаги транспорт ва коммуникация тармоқларини ривожлантиришда кўмаклашамиз. Халқаро Шимол — Жануб транспорт йўлаги бу йўналишдаги муҳим қадамдир»¹¹, — деган эди.

Ҳиндистон манфаатларида ТАПИ (Туркманистон—Афғонистон—Покистон—Ҳиндистон) газ қузури лойиҳаси ҳам аҳамиятга эга. Табиийки, ушбу лойиҳа биринчи навбатда хавфсизлик масаласининг ҳал этилиши билан узвийдир.

Ҳиндистоннинг “Марказий Осиёга боғланиш сиёсати”¹² (Connect Central Asia Policy) ва “Ҳиндистон ташқи сиёсатининг “Янги Ипак йўли” сингари ташаббуслари Марказий Осиё минтақасида Деҳли кутган

¹⁰ Моханти А. Политика Индии на афганском и центральноазиатском направлениях / А. Моханти, Д. Тренин, П. Топычканов. 4 июня 2013, Москва. — URL: <https://carnegie.ru>

¹¹ Remarks by Prime Minister at Plenary of the Shanghai Cooperation Organisation // Ministry of External Affairs of Government of India. July 10, 2015. [https://mea.gov.in/Speeches-/Statements.htm?dtl/25454/Remarks by Prime Minister at Plenary of the Shanghai Cooperation Organisation](https://mea.gov.in/Speeches-/Statements.htm?dtl/25454/Remarks%20by%20Prime%20Minister%20at%20Plenary%20of%20the%20Shanghai%20Cooperation%20Organisation)

¹² “Марказий Осиёга боғланиш” сиёсати собиқ ташқи ишлар вазири Э.Аҳмед томонидан 2012 йил 12–13 июнь кунлари Қирғизистон Республикасининг пойтахти Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган Ҳиндистон ва Марказий Осиё республикалари ўртасидаги биринчи мулоқот учрашувида эълон қилинган.

натижаларга олиб келмади¹³. Минтақанинг Россия ва Хитойга жўғрофий яқинлиги ҳамда геоиқтисодий жиҳатдан боғлиқлиги Ҳиндистоннинг мазкур ташаббуслари тўлақонли амалга оширилишида катта қийинчиликларни келтириб чиқарди. Бу эса Марказий Осиёга қизиқаётган куч марказларини ўзларининг минтақа борасидаги қарашларини ўзгартиришга ундади. Ушбу жараён, табиий равишда, Марказий Осиё минтақасидаги геосиёсий тенденциялар, минтақанинг баъзи давлатларидаги ҳокимият алмашинувлари ва, энг асосийси, минтақанинг ўзаро жипслашувга интилиши билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. Ҳиндистон ҳам минтақа билан боғланишнинг янги формати бўлмиш «Ҳиндистон — Марказий Осиё» саммитининг ташаббускорига айланди.

«Ҳиндистон—Марказий Осиё» саммити. Ҳиндистон олдида Марказий Осиёдаги геосиёсий ўзгаришлар, минтақа кучлари ўртасидаги рақобат, пандемиянинг ўзаро алоқаларга таъсири ҳамда Афғонистонда «Толибон» ҳокимияти ўрнатилган ҳозирги шароитда ўз ташқи сиёсий ташаббусларини кучайтириш зарурати пайдо бўлди. Бу борада «Ҳиндистон — Марказий Осиё» саммитининг ташкил этилиши ана шундай нуфузли ташаббуслар сирасига киради. 2022 йил январь ойида бўлиб ўтган дастлабки онлайн саммитда янги воқеликлар шароитида Ҳиндистон ва Марказий Осиё алоқаларининг ҳозирги ҳолати давлат раҳбарлари даражасида муҳокама қилинди. Томонлар ушбу саммитни ҳар икки йилда ўтказишга келишиб олишди. Саммит якунлари бўйича Деҳли декларацияси қабул қилиниб¹⁴, унда ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар, мудофаа ва хавфсизликка оид, Чобаҳор портидан фойдаланиш бўйича ишчи гуруҳи ташкил этиш, тинч, хавфсиз ва барқарор Афғонистон давлатини барпо этишда кўмаклашиш ва бошқа масалалар ўз ифодасини топди.

«Ҳиндистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан муносабатларидаги устувор йўналишлар: уларнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари» номли учинчи бобда Ҳиндистон ҳамда Марказий Осиё давлатлари ўзаро муносабатларининг ривожланиш тамойиллари, Ҳиндистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан маданий ва гуманитар алоқалари ҳамда Ўзбекистон ва Ҳиндистон ҳамкорлигининг асосий жиҳат ва истиқболлари тадқиқ этилган. Бобда, шунингдек, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг тўлақонли аъзоси сифатида Ҳиндистоннинг минтақадаги роли таҳлил қилиниб, Ҳиндистон ва Марказий Осиё давлатларининг минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш борасидаги ҳамкорлигида Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг аҳамияти, чунончи, ушбу ташкилотнинг барқарор иқтисодий ўсиш ва ривожланишни таъминлаш учун аҳамияти кўриб чиқилган. Ҳиндистон ШХТга тўлақонли аъзо сифатида қўшилиши натижасида

¹³ Raj Kumar Kothari. India's 'Connect Central Asia Policy': Emerging Economic and Security Dimensions". Sociology and Anthropology Asian Journal of Political Science 4 (No. 1): June 2018. P.23.

¹⁴Delhi Declaration of the 1st India-Central Asia Summit <https://mea.gov.in/bilateral-documents.htm?dtl/34773/>

минтақадаги манфаатларини янада тўлиқроқ ҳимоя қилиши учун янги имкониятлар юзага келиши масалалари ёритилди.

Диссертацияда Ҳиндистоннинг Марказий Осиёдаги ташқи сиёсий фаолияти хавфсизлик, энергетика, иқтисодиёт, транспорт-логистика, фан ва маданият соҳаларига ажратган ҳолда таҳлил этилди.

Ҳиндистон ташқи сиёсатида Марказий Осиё йўналишининг фаоллашуви бевосита Ҳиндистон бош вазири сифатида Н. Модининг ташқи сиёсий ташаббуслари билан боғлиқ. Айниқса унинг 2015 йилда Марказий Осиёнинг барча республикаларига бир вақтда уюштирган ташрифи нафақат минтақа учун, балки Ҳиндистоннинг Евросиё маконидаги мавқеи кучайиши учун ҳам муҳим замин яратди. Ташриф давомида алоқаларни ривожлантириш, минтақавий интеграция, иқтисодий ҳамкорлик, мудофаа, терроризмга қарши кураш ва киберхавфсизлик масалаларига эътибор қаратилди.

Ҳиндистон Марказий Осиё минтақаси билан иқтисодий ҳамкорлик орқали ўзининг ички ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал қилишга ва миллиарддан зиёд аҳолисининг йилдан-йилга ўсиб бораётган энергетик эҳтиёжларини қондиришга интилмоқда. Шу жиҳатдан, Марказий Осиё бозори ҳинд товарлари, ноу-хау ва илғор технологиялари учун энг қулай бозор ҳисобланади. Марказий Осиё минтақасидан нефть ва газ ташиладиган янги қувур йўлларининг барпо этилиши эса Ҳиндистон иқтисодиёти энергетик тақчиллик ҳолатидан чиқишига, унинг иқтисодиётига киритиладиган сармоя оқими кучайишига, ҳинд капитали ва технологияларининг Марказий Осиёдаги мамлакатларга кириб боришига имкон яратади.

Сўнгги йилларда Ҳиндистон улкан иқтисодий ютуқларга эришиши натижасида унинг Марказий Осиё мамлакатлари билан муносабатлари янги босқичга кўтарилди. Статистик маълумотлар таҳлили Ҳиндистон ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми ошиб бораётганини, Ҳиндистоннинг Ўзбекистон ва Қозоғистон билан савдо алоқалари минтақадаги бошқа республикалар билан ана шундай алоқаларга нисбатан анча жадал ривожланаётганини кўрсатмоқда.

Ҳиндистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан маданий-гуманитар алоқалар учун етарли ҳуқуқий асослар яратилган. Таҳлиллар натижасида ўзаро муносабатларда иқтисодий омил билан бирга, ҳамкорликнинг маданий, гуманитар жиҳатларига ҳам эътибор қаратилаётгани, ушбу жараёнда таълим, қўшма тадқиқот дастурлари, ахборот технологиялари ва туризм мамлакатлар ўртасидаги келгуси ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларига айланиб бораётгани аниқланди.

Ҳиндистоннинг маданий дипломатияси унинг минтақа давлатлари билан муносабатларида ўзининг “юмшоқ куч”идан унумли фойдаланиши учун янги имкониятлар яратди. Ҳинд маданияти Марказий Осиё халқлари орасида жуда машҳур бўлиб, бу ердаги инсонлар ҳинд мусиқасини тинглашади ва ҳинд фильмларини мароқ билан томоша қилишади.

Ҳиндистоннинг “Марказий Осиё билан боғланиш сиёсати” — нафақат энергетика, хавфсизлик соҳаларида, балки сиёсат, маданият ва бошқа соҳаларда ҳам ҳамкорлик қилишга қаратилган яхлит сиёсатдир¹⁵. Бугунга келиб Ҳиндистоннинг Маданий алоқалар кенгаши ва Ҳинд маданияти маркази Марказий Осиёнинг барча давлатларида самарали фаолият юритиб келмоқда.

Афғонистонда 2021 йил 15 август куни «Толибон» ҳокимиятининг қайта ўрнатилиши Ҳиндистоннинг минтақадаги геосиёсий манфаатлари ва стратегик ташаббусларга жиддий таъсир кўрсатди. Бу эса Деҳлининг Марказий Осиё билан боғланиш жараёнларида Афғонистон омилига асосий эътибор қаратишини қайта кўриб чиқишга мажбур этмоқда. Ушбу масаланинг геосиёсий хусусияти шундаки, АҚШнинг «Толибон» ҳаракати билан музокаралар олиб бориши ва ўз ҳарбий кучларини Афғонистондан олиб чиқиши Деҳлининг мавқеига таъсир этмай қолмади. Бу хусусда афғоншунос С.Бўронов шундай ёзади: «Афғонистон геосиёсий динамикасида юзага келаётган мураккаб жараёнлар Деҳли манфаатларига қарши бир қатор жиддий ҳавотирларни юзага келтириши мумкин. Айниқса, «АҚШ-Толибон» келишуви натижасида Афғонистонда «Толибон» таъсирининг тобора ортиб бориши Ҳиндистон раҳбарияти олдида жиддий муаммоларни келтириб чиқаради. Чунки, Исломобод таъсири кучли бўлган «Толибон» ҳаракатининг ҳокимиятга келиши Деҳлининг расмий Кобул билан ҳамкорлигини сўроқ остида қолдириши мумкин»¹⁶. Дарҳақиқат, «Толибон» ҳокимиятининг афғон сиёсий сахнасида қайта пайдо бўлиши Деҳлининг Марказий Осиё билан боғлиқ режаларида Чобаҳор портига, шу орқали Эрон билан геосиёсий жиҳатдан яқинлашувига туртки бериш эҳтимолини янада кучайтиради.

Хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик мудофаа масалалари бўйича биргаликда тадқиқотлар олиб боришни, терроризмга қарши кураш чораларини мувофиқлаштиришни ҳамда Ҳиндистон учун ҳам, Марказий Осиё учун ҳам жуда муҳим бўлган Афғонистон хавфсизлиги масаласида яқиндан маслаҳатлашишни ўз ичига олади.

